

**БЎЛАЖАК ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ВА
КОГНИТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ**

Козим Каримович Кудратов

Аннотация

мақолада бўлажак информатика ўқитувчиларининг амалий ва когнитив компетенцияларини ривожлантириш мезонлари ҳақида гап борган.

Калит сўзлар: интеллектуал билим, амалий ва когнитив, мақсадли компонент, билим, коъникма, таълим –тарбия, инновацион таълим..

Жаҳонда таълим тизимида амалий ва когнитив ёндашув асосида компетенциявий таълимни ташкил этиш, бўлажак информатика ўқитувчиларида амалий ва когнитив компетенцияларини ривожлантиришнинг креатив-ижодий таълим модули, ўқув жараёнида педагогик ва ахборот технологияларини амалиётга жорий этилмоқда. Бўлажак информатика ўқитувчиларида амалий ва когнитив компетенцияни ривожлантиришнинг таълимий фаолиятда қўллашнинг интеллектуал билимлар ресурсларидан фойдаланиш, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион-методик тайёргарлигини ташкил этишнинг мақсадли компонентли моделлари, ахборот таълим ресурсларини таълим жараёнига татбиқ этиш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида ўқув жараёнини ташкил эта олиш ҳамда лойиҳалаштириш каби билим, кўникма ва малакаларини амалий фаолиятда қўллай оладиган бўлажак информатика ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида бўлажак ўқитувчиларда амалий ва когнитив компетенцияларни ривожлантириш орқали таълимий ёндашувга асосланган жараён моделини ривожлантириш, тегишли таълим йўналишлари ўқув жараёнидаги фанларни ўқитиш жараёнида амалий ва когнитив компетенцияни ва талабаларда креатив-ижодий ёндашувга асосланган таълимни ривожлантириш, бўлажак ўқитувчиларда мустақил билим олиш, мантиқий фикрлаш, интеллектуал амалий фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бўлажак информатика ўқитувчиларида амалий ва когнитив компетенцияни ривожлантириш, бўлажак информатика ўқитувчиларининг амалий фаолиятида инновацион фикрлаши, илмий салоҳияти ва ижодкорлигини ривожлантириш, таълим – тарбия жараёнида ижтимоий - педагогик ҳамкорлик тамойилларини моделлаштириш, ўқув жараёнида ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда сўнги йилларда олий таълим муассасасалари битирувчиларининг амалий ва когнитив компетенциясини ҳамда педагогик фаолиятда дидактик имкониятларини ривожлантириш, ўқув жараёнида педагогик таълим жараён мазмуни ва амалий ва когнитив сифатларни шакллантиришнинг меъёрий асослари яратилмоқда.

“Таълим — таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган.

Бўлажак информатика ўқитувчиларининг педагогик фаолиятида амалий ва когнитив компетенцияни ривожлантириш ижтимоий педагогик муаммо сифатида, бўлажак информатика ўқитувчиларининг амалий ва когнитив компетенциясини ривожлантириш педагогик-психологик асослари ҳамда бўлажак информатика ўқитувчиларида амалий ва когнитив компетенциясини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларнинг педагогик аҳамияти ёритилган.

«Компетенция» тушунчаси илк бор XX асрнинг 50-60-йилларида илмий адабиётларда тилга олинган. Америкалик олим Чомский «Синтактик структуралар», «Синтаксис назариясининг аспекти» номли асарларида компетенцияни инсоннинг бирор фаолиятни амалга ошириш лаёқати сифатида талқин этган. Жумладан, илмий педагогик адабиётларни таҳлил қилиб, ушбу тадқиқот ишимизда муаллифлик таърифи қуйидагича берилган: «когнитив компетенция деганда билим, малакалар, тажрибани мустақил ўзлаштириш бўйича қадриятли йўналганликлар, ҳаракатларнинг ривожланиши, уларни ўқув фаолияти ўқув усуллариини ўзлаштириш жараёнида намоён қилишга қобилият ва тайёргарлик билан тавсифланадиган интеграл шахс хислатини тушунамиз» деб ифодаланган.

Н.Муслимов «компетенция – билим, малака ва шахсий сифатларини маълум соҳада муваффақиятли фаолият учун қўллаш олиш қобилияти» деб, таъкидланган.

А.В.Хуторской тадқиқотларида анъанавий билимларни ва умумлаштирилган интеллектуал, коммуникатив, ижодий, услубий, мафкуравий ва бошқа кўникмаларни бирлаштирган янги тушунча компетенция деб ҳисоблаш кераклиги масаласига тўхталиб ўтган.

А.В. Хуторской компетенциянинг уч босқичли шажарасини таклиф этди:

- 1) асосий компетенциялар таълимнинг умумий мазмунига киради;
- 2) умумпредметли компетенциялар ўқув фанлари ва таълим соҳаларининг муъаян доирасига тегишли;
- 3) фан компетенциялари – ўқув предметлар доирасида аниқ изох ва шаклланиш имкониятига эга, компетенцияларнинг аввалги икки даражасига нисбатан хусусий компетенциялардир деб ифодалаб ўтган.

Бизнинг назаримизда бўлажак ўқитувчиларда амалий-когнитив компетенцияларни ривожлантириш педагогик муаммо сифатида:

биринчидан, амалий ва когнитив компетенция таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларда ижодкорлик муҳитини яратиш орқали талабаларнинг ички мотивлари ва имкониятларини юзага чиқариш;

иккинчидан, бўлажак ўқитувчиларда амалий ва когнитив компетенцияларни ривожлантириш креатив-ижодкорлик сифатларини юзага чиқаришда гуруҳ жамоасининг ташқи мотивацион таъсирлар орқали ривожлантириш;

учунчидан, бўлажак информатика ўқитувчилари мақсад қилиб қўйган фаолият кўникмаларига етишлари, мустақил ижодий фаолият юритишлари, шахсий сифатларини ривожлантиришда зарур кўникма ва изланувчанлик қобилиялари каби

ўқув имкониятларини рўёбга чиқариш сифатлари hozирги вақтда долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

“Амалий ва когнитив компетенция” тушунчаси таҳлилини очиб беришда таълимий ёндашувларни интеграллашуви орқали қўйидаги хулосаларни келтириб ўтишни лозим деб топдик:

олиб борилган тадқиқотларда ўқув-тарбия жараёнида таълим технологияларини билишга, ўқув фаолияти, ўз-ўзини бошқаришга ва билим олиш малакаларини эгаллашга эътибор қаратилганлиги;

амалий ва когнитив компетенция жамият тараққиётида таълимнинг сифат жиҳатдан такомиллаштиришини назарда тутди;

таълимда компетенциявий ёндашув шахсий сифатларини ривожланиши, амалий ва когнитив компетенция таркибида интеллектуал, мотивацион, эмоционал, иродавий, қадриятли, баҳоловчи ва бошқа компонентларни ажратиш кўрсатадилар, лекин когнитив таълим алоҳида иқтидорга эга бўлган бўлажак ўқитувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнида муҳим ўрин тутди.

Шу сабабли амалий-когнитив компетенциянинг таркибий тузилишида қўйидаги компонентлар муҳим ўрин тутди:

билим, кўникма, малака, дунёқараш, шахсий муносабат каби жиҳатлар алоҳида ўрин эгаллайди:

билим-бўлажак мутахассисдан ўз мақсадларига етишлари, мустақил фаолият юритишлари, шахсий сифатларини ривожлантиришлари зарур кўникмалар, таълимий ва изланувчанлик қобилияти каби ўқув имкониятларини рўёбга чиқаришларида муҳим аҳамият касб этади;

бўлажак мутахассисда кўникманинг шаклланиш даражасига боғлиқ асосий кўникмалар тил саводхонлиги, математик саводхонлик ва бошқалар учун зарур бўлган)дан иборат таълим;

малака бўлажак мутахассиснинг ўқув-тарбия жараёнида олинган билим, эгалланган кўникма натижаси сифатида янги билимларни мустақил эгаллай олиш, уларни бирлаштиришда муҳим ўрин тутди;

дунёқараш – бўлажак мутахассиснинг ўз олдига қўйган мақсадга етишишида билим сифатини оширишда ўз-ўзини такомиллаштириш қобилияти, ўз-ўзини тартибга солиш, шахснинг ўз-ўзини ривожланиш жараёни натижасидир деб тақидлашга асос бўлади;

бўлажак мутахассис таълимий муносабатларга тайёрлиги, яъни таълим жараёнида эгалланган билимнинг ўзлаштириш даражасини яхшилаши, амалий-когнитив қизиқиши, ўзаро таъсири, умумий ҳисобга олиш жаарёнида маданий устуворликлар муҳим аҳамият касб этиши билан ажаралиб туради.

Амалий ва когнитив компетенциянинг мотивациявий, ахборотли, тезкорлик ва баҳоловчи компонентлари орқали мустақил таълимда когнитив компетенция автотетодик таркиби асосида эдукологик интеграцион таъсир кўрсатиш механизми такомиллаштирилган. Тадқиқотда ажратилган когнитив компетенция таркибий исмларига нисбатан мустақил бошқариш жараёнларини мослаштирамиз. Мустақил таълим механизми субъект томонидан ўз фаолияти мақсадларини танлаш ва қабул қилиш, ҳаракатлар дастурини тузишга шахсий муносабат, ўзини ўзи назорат қилиш,

ўзини ўзи баҳолаш, ўз фаолиятини таҳлил қилишни амалга оширишни кўзда тутати. Шунга кўра когнитив компетенция тузилмаси куйидаги тарзда кўринади (1-жадвалга қаранг):

Амалий ва когнитив компетенциянинг таркибий тузилмаси

Компетенциянинг таркибий қисмлари	Таркибий қисмлар мезони
Интеллектуал	инсонда тафаккур турлари ва услуги, ақл сифати, билиш жараёнлари ва кўникмалар, фикрлаш операциялари, шунингдек фан ва фан олди билим, кўникма ва малакалар тизимини ташкил этади. Компетенция шахс фикрлашининг маҳсулдор тури сифатида алоҳида роль ўйнайди, чунки компетенция биринчи навбатда турли соҳаларда билимларни қўллашни, турли ностандарт вазиятлардан чиқиш усулларини топиш кўникмасини, одатий, стереотип ечимларга қарши чиқиш, турли алгоритмлаштирилган мураккаб вазифаларни ечиш қобилиятини назарда тутати
Мотивациявий	инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклландиган ва ривожландиган эҳтиёжлар, мотивлар ва мақсадлар мажмуини қамраб олади
Ахборотли	муаммони ечиш ва қўлланувчанлиги шартлари таҳлили асосида тадқиқот методини танлаш учун ахборотни тақдим қилиш тилини танлаш ҳақида мустақил қарор қабул қилиш
Баҳоловчи	тадқиқот доирасида ҳатоларнинг юзага келиши сабабларини таҳлил қилиш асосида коррекцион фаолият режасини тузуш ҳамда малакаларини эгаллаш ва эҳтимол амалий-когнитив фаолият натижаларини кўра олиш

Олий таълим муассасаси таълимнинг муҳим йўналиши бўлиб бўлажак ўқитувчиларда амалий-когнитив компетенцияларни ривожлантириш жараёнида, хусусан фанга тайёрлашнинг таълимий соҳасини шакллантириш учун шарт-шароитларни аниқлаштириш лозим. Компетенция учун – умумлашган ҳаракат усуллари ва таълим натижаларидан шу билимларни қўллаш қобилияти; компетентлик учун компетенцияларни эгаллаш даражаси, интеграл шахсий тавсифлашдан билимлар, тажриба ва таълимгача; компетенция компетентли таълим мазмунида умумийга киради, компетентлик эса индивидуалга; компетентлик компетенциянинг намоён бўлиши тажрибасини кўзда тутати.

Бўлажак информатика ўқитувчиларининг амалий ва когнитив компетенцияларини ривожлантириш имкониятлари интеллектуал, мотивацион, эмоционал-иродавий, шахсий-аҳамиятли соҳада мотивацион-қадриятли таълимий-йўналганлик, билим, кўникма, малака ҳамда шахсий салоҳиятини актуаллаштириш ва рўёбга чиқариш қобилиятларини ўзаро мослаштириш асосида аниқланган.

бўлажак информатика ўқитувчиларининг амалий ва когнитив компетенцияларини ривожлантириш технологиялари репродуктив ва продуктив таълим муҳитида, ахборот билан ишлаш ва билиш, фикрлаш, идрок этиш ҳамда ахборотлаштирилган мураккаб ечимли вазифаларни амалий ва когнитив фаолиятга уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

бўлажак информатика ўқитувчиларининг амалий ва когнитив компетенцияларини ривожлантириш модели педагогик, эвристик масалаларнинг имитациявий, тузилмавий-

функционал ва интегратив-рефлексив турларини мустақил таълим технологиялари ҳамда ижодий-интеллектуал топшириқлар мажмусини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг когнитив компетенциясини ривожлаштириш модели рефлексив фаолият шакллари ижодкорлик мухити ва мотивация сифатлари муоммоли-таълимий ўзаро мослаштириш ҳамда шахсий сифатларини функционал ва фаолиятли ёндашувлар автимальлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Abduqodirov A.A., Toshtemirov D.E. Ta'lim muassasalarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish metodikasi. Monografiya. Guliston: "Universitet", 2019. - 232 b.
2. Tixomirov V.P. Mir na puti Smart Education: noviyе vozmojnosti dlya razvitiya // Otkritoye obrazovaniye. 2011. - № 3. - S.22-28.
3. Kudratov K.K. Uzliksiz ta'lim jarayonida mustaqil fikrlovchi ijodkor shaxsni tarbiyalashning pedagogik – psixologik masalalarini shakllantirish."Uzliksiz ta'lim" jurnali .maxsus son 2020-yil b.95-101.
4. Kudratov K.K. O'qitish jarayonida kognitiv kompetentlikni shakllantirish. "Uzliksiz ta'lim" jurnali .maxsus son 2021-yil b.54-58.
5. Kudratov K.K. "Raqamli pedagogika:holati va rivojlanish istiqbollari" Xalqaro ilmiy amaliy konferensiya. Pedagogik ta'lim "informatika mutaxassisligi bakalavrlari uchun informatika o'qitish metodikasidagi kognitiv strategiyalar "10.12.2021 b.238-245
6. Kudratov K.K. Zamonaviy informatikaning dolzarb muammolari: "Bo'lajak informatika o'qituvchilarining amaliy va kognitiv strategiyalari " Respublika ilmiy amaliy konferensiya 2021-y b.25-30
7. Kudratov K.K. Zamonaviy uzliksiz ta'lim muammolari innovatsiya va istiqbollari "Ta'lim tizimida informatika va AT fanining mazmuniga oid umumiy va kognitiv kompetensiyalarni shakllantirish" Xalqaro ilmiy amaliy konferensiya 27.04.2018 y b.236-240.